

ЮСУПОВА Нигора

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Исломишунослик ва ислом илмларини ўрганиш
ICESCO кафедраси профессор в.б.,
юримик фанлар доктори

МОВАРОУННАХРЛИК ФАҚИХ ФАХРУДДИН ҚОЗИХОН ҲАЁТИ ВА ИЛМИЙ МЕРОСИ

ЖИЗНЬ И НАУЧНОЕ НАСЛЕДИЕ МАВАРАННАХРСКОГО ФАКИХА ФАХРУДДИНА КАЗИХАНА

THE LIFE AND SCIENTIFIC LEGACY OF FIKHIKH OF MOVAROUNNAKHR FAKHROUDDIN KAZIKHAN

Аннотация: Мақола Мовароуннахрда XII асрда Қорахонийлар даврида яшаб ижод этган ханафий мазҳабининг фақиҳи Фахруддин Қозихоннинг илмий фаолиятини таҳлил қилишга бағишланган. Мақолада алломанинг машҳур асарларининг тузилиши, услуби, мавзулари ҳам илмий таҳлил этилган. Шунингдек, алломанинг ижтимоий муносабатлардаги қарашларида ифодасини топган умуминсоний қадриятлар, инсонпарварлик ҳоялари ҳақида бевосита фикҳий манбаларни таҳлил қилган ҳолда хулосалар берилган.

Калим сўзлар: Фикҳ, фақиҳ, фатво, манба, қози, ҳукм чиқариш, шарҳ, Қуръон, ҳадис.

Резюме: Статья посвящена изучению научной деятельности великого ханафитского факиха Фахруddина Казихана, который жил и трудился во времена Караханидов XII века в Мавераннахре. В статье проанализированы структура, методы, главы и темы известных произведений этого ученого. В статье также говорится о роли его произведений в исламском праве, рассматриваются общечеловеческие ценности и идеи человеколюбия, в воззрениях учёного.

Ключевые слова: Исламское право, исламский правовед, фетва, источник, кади, вынесение решения, толкование, Коран, хадисы.

Abstract: The article is devoted to the study of the scientific activity of the great Hanafi faqih Fakhriddin Kazikhan, who lived and worked during the time of the Karakhanids of the 12th century in Maverannahr. The article analyzes the structure, methods, chapters and

themes of the famous works of this scientist. The article also talks about the role of his works in Islamic law, considers universal values and ideas of philanthropy, in the views of the scientist.

Keywords: Islamic law, Islamic lawyer, fetwa, source, kazi, adjudication, interpretation, Qur'an and Hadiths.

КИРИШ

X-XIII асрларда Мовароуннахр минтақасида яшаб ижод этган кўплаб фақиҳлар ханафий мазҳабининг минтақада оммалашиши учун бекиёс хизмат қилганлар. Бу даврларда яшаб ижод этган кўплаб буюк фақиҳлар ўзларидан сўнг ханафий фикҳи бўйича дунёга машҳур нодир асарлар ёзиб қолдирганлар. Мана шу даврда ижод қилган ханафий фақиҳлари ичида Фахруддин Қозихоннинг фикҳ илмида тутган алоҳида ўрни бор.

Ханафий мазҳабида оид қатор табақот асрларидан Фахруддин Қозихон ал-Ўзгандийнинг ҳаёти ва фаолиятига тегишли куйидаги маълумотлар келтирилади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Фахруддин Қозихоннинг тўлиқ исми Абулмаҳосин Фахруддин Қозихон ал-Ҳасан ибн Мансур ибн Маҳмуд Абд ал-Азиз Абд ар-Раззоқ ал-Ўзгандий ал-Фарғонийдир [10: 93; 1:151].

У Фарғона водийсининг ўша даврдаги марказий шаҳарларидан бири бўлган Ўзгандда таваллуд топган. Бу аллома кўпроқ “Қозихон”, “Фахр ад-дин”, “Фахр ал-милла” каби тахаллуслар билан машҳур бўлган [9:224; 2:593]. VI/XII асрда Мовароуннахрда яшаб ижод қилган Фахруддин “Қозихон” тахаллуси билан ўз давридан то бугунги кунимизгача машҳур бўлиб, ханафий мазҳаби фақиҳларининг буюкларидан ҳисобланади.

Фахруддин Қозихоннинг туғилган йили ҳақида аниқ маълумот манбаларда учрамайди, лекин унинг ҳижрий 592 йил рамазон ойининг ўн бешинчи кунда, милодий 1196 йил 12 августда вафот этганлиги барча табақот китобларида бир хил берилади [9:238-239]. Унинг қабри Бухорода бўлиб, ўша ердаги “Қузот ас-сабъа” (Етти қози) деган жойда дафн этилган [7:116].

Юқорида Фахруддин Қозихоннинг “Қозихон” тахаллуси билан машҳур

бўлганлиги қайд этилиб ўтилганди, лекин табақот китобларида унинг айнан нега шундай таҳаллусга эга бўлганлиги яъни у расмий қозилик вазифасини бажарган-бажармаганлиги ҳақида аниқ маълумот мавжуд эмас. Бироқ ислом ҳуқуқи нуқтаи назаридан мушоҳада юритганда қозилик расмий мансаб бўлганлиги ва у фақат қозилик вазифасини бажарган кишига берилиши эътиборга олинса, Қозихон қорахонийлар даврида қозилик лавозимида фаолият кўрсатган, деган хулосага келиш мумкин. Бундан ташқари, Қозихоннинг “Саййид ал-Қозий”, “Муфтий аш-Шарқ”, “Имом”, “Абу ал-Маҳосин”, “Абу ал-Мафохир”, “Рукн ал-ислом”, “Фахр ал-милла” каби лақаблари ҳам бўлган, Унинг бу таҳаллуслари Қураший Абу Муҳаммад Абд ал-Қодир ибн Абу ал-Вафо Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Мисрийнинг “ал-Жавохир ал-музийъа фи табақот ал-ҳанафия”, Абдулҳай Лакнавийнинг “ал-Фавоид ал-бахия фи тарожум ал-ҳанафия” каби кўплаб алломаларнинг табақот китобларида келтирилган [3:126].

Қозихоннинг шогирдларидан бири ҳисобланган Маҳмуд ал-Ҳасирий ҳам Қозихонни “Фахру-л-милла”, “Рукну-л-ислом”, “Муфтийу-ш-Шарқ”, “Бакиййату-с-салаф” номлари билан зикр қилган [7:256-257]. Қозихонга нисбатан берилган ушбу таҳаллуслардан унинг ўз замонасида нақадар юксак обрў-эътиборга эга алломалардан бири бўлганлигини кўриш мумкин. Бу фикрни унинг шогирди Маҳмуд ал-Ҳасирий айтган сўзлар ҳам қувватлайди: “У саййидимиз, қози, имом, устоз, миллат фаҳри, Ислоннинг устун салафларнинг охиргиси ва Шарқнинг муфтийси эди...” [7:117].

Фахруддин Қозихоннинг оиласи ҳақида манбаларда етарли маълумот мавжуд эмас. Қозихоннинг отаси ҳам фақиҳ бўлганлигини аллома қаламига мансуб “Фатовои Қозихон” асарининг охирги саҳифасида келтирилган ушбу сўзлар тасдиқлайди: “Қозий Имом ал ажалл Бадр ад-дин Мансур...” [8:503]. Қозихоннинг илму маърифат борасида бобосидан дарс олганлиги ва доимо бобоси билан бирга бўлганлиги унинг отаси эрта вафот этган деган хулосани беради. Шунингдек, айрим табақот ва фатво китобларида унинг аждодлари фикҳ бўйича олим бўлганликлари келтириб ўтилган.

Қозихоннинг бобоси Маҳмуд ибн Абд ал-Азиз ал-Ўзгандий фикҳда Қозихоннинг асосий устози бўлган.

Кўплаб олимларнинг ўз нодир манбаларида таъкидлашларича, Қозихон мужтаҳидлик даражасига етган салоҳиятли олимдир [4:65]. У ўзидан олдинги фақиҳлар дуч келмаган масалалар бўйича ҳанафий мазҳаби қоидалари асосида ижтиҳод қилиш даражасига эришган, шу боис ҳам унинг фатволари машҳур, амалда қўлланиладиган, олим ва фақиҳлар қўлидан тушмайдиган ва фатво бериш даражасига эга бўлганлар учун тавсия этиладиган фатволар бўлган [5:323]. Мана шу нуқтаи назардан ҳам салоҳиятли аллома Қозихоннинг фикҳ илми борасида эришган билимини кейинги давр олимлари юқори баҳолаб унга мужтаҳидлик даражасини берганлар [4:128]. Аллома Қурашийнинг фикрича, фақиҳнинг Зоҳир ар-ривояда келган китобларга нисбатан қарашлари даврнинг бошқа фақиҳларидан устун саналган. Унинг тасҳиҳи бошқа олимларникидан устун ҳисобланган [10:277].

Яна бир йирик тарихчи олим Ибн Қутлубуғо фақиқни пешқадам қози ва ўз даврнинг етук олимларидан бири сифатида зикр этади. У ўзининг асарида Фахруддин Қозихонни ҳанафий мазҳабидаги фикрлари саҳиҳ деб ҳисобланган фақиҳлар қаторига қўшади. Кашф аз-зунунда ҳам Қозихонни фатво беришда мужтаҳид фақиҳлар гуруҳида зикр этилган [5:1227].

Замонасининг беназир фақиҳи ҳисобланмиш Фахруддин Қозихон илмий салоҳияти ҳақида юқорида фикрлари келтирилган алломаларнинг ўз асарларида берган хулосалари, фақиҳнинг Муҳаммад Ибн Ҳасан аш-Шайбонийнинг асарларига ёзган шарҳлари, берган фатволари, Абу Ҳанифа ва ҳанафийлик мазҳабининг (Абу Юсуф, Имом Зуфар каби) имомлари ва бошқа ҳанафий уламоларининг қарашларини зикр этиб, уларни тарғиҳ қилганлиги асосида Фахруддин Қозихоннинг ижтиҳод аҳлидан эканлигига тўлиқ хулоса яшаш мумкин.

Фахруддин Қозихоннинг устозлари ҳақида сўз борганда, аввало, бобосининг амакиваччаси Заҳируддин Ҳасан ибн Али ал-Марғиноний, Абу Исҳоқ Низомуддин Иброҳим ибн Али ал-Марғиноний каби алломаларни тилга олиш жоиз бўлади. Зотан, Фахруддин Қозихон улардан

дарс олган. Қозихоннинг бобоси Абдулазиз ибн Абдураззоқ ибн Абу Наср ибн Жаъфар ибн Сулаймон ал-Марғиноний 477/1084 йили вафот этган [4:97]. У XI асрда Мовароуннаҳрда фикҳ соҳасида фаолият кўрсатган фақиҳ ҳисобланади.

Абдулҳай Лакнавийнинг “Ал-Фавоид” асарида таснифланишича, Фахруддин Қозихоннинг Абу Ҳанифага қадар бўлган устозларининг силсиласи куйидагича: Ҳасан ибн Алий ал-Марғиноний (ваф. 599/1203), у Абдулазиз ибн Умар ибн Мозадан (ваф. 535/1141), у Маҳмуд ибн Абдулазиз ал-Ўзгандийдан, уларнинг ҳар иккиси Абу Бакр Муҳаммад ас-Сарахсийдан (ваф. 482/1090), у Шамсулаимма ал-Ҳалвонийдан (ваф. 455/1063), у Абу Алий ан-Насафийдан (ваф. 403/1013), у Абу Бакр ал-Фадлдан (ваф. 380/991), у ас-Субазмунийдан, у Абу Абдуллоҳдан, у бобосидан, у Имом Муҳаммад аш-Шайбонийдан (ваф. 189/805), у эса Имом Абу Ҳанифадан илмни ўрганган [4:132].

Манбаларда Қозихон кўплаб устозлар ҳузурида илм олган бўлиб, унинг машҳур устозлари куйидагилардир:

Маҳмуд ибн Абдулазиз ибн Абдураззоқ ал-Ўзгандий. Бу фақиҳнинг туғилган ва вафот этган йиллари маълум эмас. У “Олти муфтий”нинг отаси Абдулазиз ибн Абдураззоқнинг (ваф. 477/1084) ўғлидир. У Қозихоннинг отаси.

Абулмаҳасин Заҳируддин Ҳасан ибн Алий ибн Абдулазиз ал-Марғиноний (ваф. 600/1203). Бизгача етиб келган “ал-Фатово аз-Заҳирийя” номли асарнинг муаллифи.

Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Исмоил ибн Абу Наср ас-Саффорий ал-Ансорий (460/1067-534/1139).

Бурхонуддин ал-Кабир Абдулазиз ибн Умар ибн Моза (483/1090-536/1141). У “ас-Садр аш-шаҳид” таҳаллуси билан машҳур. У “ал-Жомий ас-Сағир”, “ал-Фатово ал-кубро ва ас-суғро”, “ал-Воқеот” каби ўндан ортиқ асарлар муаллифи.

Низомуддин Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Алий ал-Марғиноний. Ушбу олимдан Қозихон фикҳ ва ҳадисдан дарс олган.

Қозихон замонасининг етук устозлардан таълим олиши билан бирга, ўзидан кейин салоҳиятли шогирдлар ҳам етиштирган. Унинг шогирдлари ҳанафий мазҳабини

Мовароуннаҳр бўйлаб кенг ёйилишида катта хизмат қилганлар. Қозихоннинг шогирдлари ўз даврининг машҳур-фақиҳлари бўлишган. Булардан:

1. Абу ал-Маҳамид Жамолуддин Маҳмуд ибн Аҳмад ибн Абд ас-Саййид ибн Усмон ал-Ҳасирий ал-Бухорий (546-637/1151-1239). Ал-Ҳасирий Қозихондаи фикҳ илмини ўрганган. У Шомда яшаган ва “ан-Нурийя” мадрасасида мударрислик қилган. У “ал-Жомий ал-Кабир”га иккита шарҳ ёзган. Бири мухтасар, иккинчиси тўлиқ бўлиб “ат-Таҳрир” деб аталган [4:205].

2. Ифтихоруддин Тоҳир ибн Аҳмад ибн Абдурашид ибн ал-Ҳусайн ал-Бухорий (ваф. 542/1147) [3]. Ушбу аллома мужтаҳидлик даражасига етишган фақиҳдир. Унинг “Хизонат ал-фатово”, “ал-Воқеот” ва “Хулосат ал-фатово” каби асарлари мавжуд [4:84].

3. Абу ал-Важд Шамсуддин Муҳаммад ибн Абдусаттор ибн Муҳаммад ал-Имодий Шамсулаимма ал-Кардарий (599(559)-642/1203(1164)-1244). Ал-Кардарий етук ҳанафий фақиҳи бўлиб, “Шарҳ Мухтасар ал-Ахсикетий” номли асар ёзган.

4. Нажмуддин Юсуф ибн Аҳмад ибн Абу Бакр ал-Ҳосий (ваф. 634/1237) [4:226].

Қозихоннинг илмий асарлари:

Фахруддин Қозихоннинг кўплаб асарлари бизгача етиб келган бўлиб, ушбу асарларнинг кўпчилиги ЎЗР ФА ШИ қўлёзмалар фондида сақланмоқда.

“Фатовои Қозихон” асари. Фақиҳлар орасида бу асар “ал-Фатово ал-Хонийя” ёки қисқача, “ал-Хонийя” номлари билан ҳам танилган. Мазкур асар Қозихоннинг энг машҳур асари бўлиб, ҳанафий фикҳининг мўътабар манбаларидан бири ҳисобланади. Унда воқеъликда кўп содир бўладиган масалалар тўпланган. Мазкур асарнинг йигирмадан ортиқ қўлёзма нусхалари Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Шарқшунослик Институтининг Қўлёзмалар фондида № 11575; 11.588; 5959; 12256; 8759; 8515; 10946 рақамлари остида сақланмоқда.

“Шарҳ, ал-жомий ас-сағир”. Ушбу асар - Муҳаммад ибн Ҳасан аш-Шайбоний томонидан таснифланган “Зоҳир ар-ривоя” деб номланадиган ҳанафий мазҳабининг илк асосий манбаларини ташкил этган асарлардан ҳисобланган “ал-Жомий ас-сағир”нинг

муҳим шарҳларидан биридир. Асарда матн ва шарҳ бир-биридан ажратиб бўлмас даражада аралаш шаклда берилган, муаллиф асарда Абу Ҳанифа ва шогирдлари билан бирга бошқа ханафий фақиҳлар, Имом Шофеъий ва баъзан Имом Молик ҳамда тобеъин мужтаҳидларнинг қарашларини ҳам зикр этиб, кейин ўз қараш ва фикрларини қайд қилган.

“Шарҳ аз-зиёдат” асари. Бу китоб Имом Муҳаммад ибн Ҳасан аш-Шайбонийнинг “аз-Зиёдат” номли асарига ёзилган шарҳдир, “Фуруъ ал-фикҳ”га тегишли бу асар усул қоидаларини ҳам ўз ичига олган. Мазкур қоидаларнинг китобдан ўрин олиши фикҳ илмининг умумий асосларига хизмат қилган бўлиши мумкин. Асар Фахруддин Қозихоннинг шогирдларидан Ҳасирийнинг шогирди бўлмиш Сулаймон ибн Абулизз ал-Азройи тарафидан “ал-Мунтахаб ас-Сулаймоний” номи билан мухтасар қилинган. Бу мухтасарга ҳам Муҳаммад ибн Маҳмуд ас-Садидий аз-Завзаний “Малак ал-ифодот фи шарҳ аз-зиёдат” номи билан машҳур бир шарҳ ёзган.

“Китоб масаил ал-ғурур” асари. Лекин Юсуф Зиё Кавакчи бунинг мустақил асар эканлигини шубҳа остига олади.

Манбаларда Қозихоннинг яна “ал-Амолий”, “Шарҳ адаб ал-қозий ли-л-Хассоф”, “ал-Воқийот”, “ал-Махозир”, “Шарҳ ал-Жомий ал-кабийр” номли асарлари ҳам бўлганлиги ҳақидаги қайдлар мавжуд. Аллома Аз-Заҳабий “ал-Амолий” асарини кўрганлигини ҳам айтган. Ушбу китоб имло йўли билан таълиф қилинган ва баъзан “ал-Амолий” номи билан юритилган бўлиши мумкин, лекин юқоридаги асарларнинг мавжудлиги-ҳақидаги фикрлар ихтилофли бўлиб, уларни аниқлаш тадқиқотчилар олдида турган муҳим вазифалардан ҳисобланади.

НАТИЖАЛАР ВА МУҲОКАМАЛАР

Фахруддин Қозихон илмий фаолиятини ўрганиш жараёнида шундай хулосага келиндик, мусулмон ҳуқуқининг ҳамма соҳалари шу билан бирга никоҳ, қон-қариндошлик, талоқ масалаларини қамраб олган манбалардан бири алломанинг “Фатовои Қозихон” асаридир. Ҳанафий мазҳаби хулосаларига асосланган бу асардаги қоидалар ҳам шу мазҳаб қонунлари каби нисбатан юмшоқроқ ва қулайроқлиги, халқларнинг маҳаллий анъаналари эътиборга

олинганлиги сабабли, у аксарият мусулмон давлатларида кенг ёйилган, чунончи қози (судя)лар, муомала муносабатларидан келиб чиқадиган (фуқаролик, никоҳ, оила) ва бошқа низоли ишларни кўриб ҳал этишда бошқа манбалар билан бир қаторда “Фатовои Қозихон”дан унумли фойдаланишган.

Жамиятимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида ўзбек халқи маънавиятини, жумладан диний саводхонлигини соғломлаштириш жараёнида ислом таълимотининг оилавий муносабатларга оид қоидаларини илмий таҳлил қилиш ижтимоий заруриятга айланмоқда. Шу сабабли исломда оилавий муносабатларга оид нормаларининг ижтимоий моҳиятини тадқиқ этиш ва ҳозирги кунда илдиз отиб бораётган фундаменталистик оқимларнинг оилавий муносабатлардаги қарашларининг мутлақо нотўғри эканини ҳамда унинг ижтимоий жиҳатдан салбий оқибатларини илмий таҳлил қилишда Фахруддин Қозихоннинг “Фатовои Қозихон” асаридаги оилавий муносабатларга оид ғояларни ўрганиш амалий жиҳатдан ўта муҳимдир.

Хулоса қиладиган бўлсак, йирик ханафий фақиҳ Фахруддин Қозихоннинг илмий меросини ўрганиш тадқиқотчилар олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Фақиҳнинг ҳаётига доир яна бошқа маълумотларни аниқлаш ва унинг ўша даврда Мовароуннаҳрда рўй берган сиёсий-ижтимоий ҳаётга кўрсатган таъсирини тадқиқ этиш фойдадан холи бўлмайди.

Фахруддин Қозихон ислом маданияти ва илм-фани ҳар соҳада тараққий топган бир даврда, Бухородек исломий ва табиий илмлар бешиги бўлган шаҳарда илмий фаолият олиб борган. У Паздавий, Сарахсий, Дабусий, Заранжарий, Абу Али Насафий каби кўплаб беназир фақиҳлар етишиб чиққан Шамсулаимма Ҳалвоний мадрасасига мансуб фақиҳдир.

ХУЛОСА

Манбаларни ўрганиш жараёнида шундай хулосага келиндик, Фахруддин Қозихон мазҳаб соҳибларидан ҳеч қандай бир нассиз масалаларни истинбод қиладиган мужтаҳид уламоларнинг учинчи табақасидан ҳисобланади. Ҳанафий мазҳаби мужтаҳидлари номи зикр қилинганда шундай дейилади: “ал-Хассоф, ат-Таҳовий, ал-Кархий, Шамс ал-аймма

ал-Ҳалвоний, Шамс ал-аимма ас-Сарахсий, Фахрул-ислом Баздавий, Бурхониддин Махмуд ибн ас-Содр соҳиб “аз-Заҳира” вал — “Муҳит” ва Шайх Тоҳир ибн Аҳмад соҳибу “Хулосат ал-фатаво”, Фаҳриддин Қозихон, Ибн Хумом ва бу каби фақиҳларга усул масаласида бўлсин ва фуруъ масаласида бўлсин бошқа олимлар хилоф чиқишга қодир эмаслар. Лекин улар у ҳақда насс келмаган масалалар борасидаги ҳукмларни усул ва қоидаларига таяниб чиқара оладиган олимлардир” [6:568].

Умуман олганда аллома яшаб ижод этган давр XII асрда исломий илмлар ривожланиб, юзлаб фақиҳлар етишиб чиқди ва юзлаб мўътабар асарлар ёзилди. Бурхониддин Марғиноний, Ифтихоруддин Тоҳир ал-Бухорий, Алоуддин Самарқандий, Алоуддин Косоний каби алломалар ҳам мана шундай илмлар ривожланиб, уламолар етишиб чиққан пайтда дунёга келди.

Мазкур алломаларнинг илмий фаолияти энг юксак чўққига кўтарилган паллада Мовароуннаҳрда қорахонийлар ва салжукийлар ўртасидаги кескин курашлар икки фикҳий мазҳаб (ҳанафий ва шофеъий) уламоларининг ҳам ўрталаридаги мурасасизликка сабаб бўлган. Ўртадаги бу мурасасизликлар фикҳий масалаларда эмас, балки асосан ақидавий масалаларда тус олган эди. Шофеъийлар бу ҳудудда ҳали кенг тарқалмаган Абу Ҳасан ал-Ашъарийнинг таълимотини ёйишга ҳаракат қилар эдилар. Шофеъийларнинг Мовароуннаҳрда фаолият олиб боришлари салжукийларнинг бу ўлкада тутган мавқелари билан узвий боғлиқ эди. Мана шундай шароитда Мовароуннаҳрда ҳанафийлик йўналишида биз таҳлил қилган Фаҳруддин Қозихон каби алломаларнинг сай ҳаракатлари билан ҳанафийлик илм-фани янада ривожланди. Бу даврнинг яна бир муҳим томони шунда кўринадики, ислом динининг биргина йўналиши эмас, балки, унга тааллуқли кўплаб илмлар ривожланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абу ал-Адл Зайн ад-дин Қосим ибн Қутлубуғо (ваф. 179/ ...). Тож ат-тарожим фи табақот ал-ҳанафийя. Тож ат-Тарожим). Байрут: “Дар ал-маъмун”, 1992.
2. Қаҳҳола Умар Ризо. Мўъжам ал-муаллифин. 15 жилдли. - Байрут: “Дор ихё ат-турос ал-арабий”,

- 1400/1980. I ж.
3. Kavakchi Y.Z. XI ve XII Asirlarda Karahanlilar Devrinde Mavara al-Nahr Islom Hukukchilari - Anqara: “Sevinch”, 1976.
4. Лакнавий Муҳаммад Абдулхай ал-Ҳиндий. Ал-Фавоид ал-баҳийя фи тарожум ал-ҳанафийя. Байрут: “Дарал-кутуб ал-исламий”. 1998.
5. Мустафо ибн Абдуллоҳ ар-Румий ал-Ҳанафий аш-шаҳир би-ҳожӣ Халифа (ваф:1067/1656-57). Кашф аз-зунун ан асмоъ ал-кутуб ва-л-фунун. Макка: “Мактаба ал-файсалия”, 1981.
6. Муҳаммад Амим ал-Эҳсон ал-Мужадидий ал-Баркатий ал-Ҳанафий. Қоваид ал-фикҳ. - Карачи. Биринчи нашр. 1407 х. I ж.
7. Такий ад-дин Абд ал-Қодир ат-Тамимий. Ат-Табақот ас-санийя фи тарожим ал-ҳанафийя. Абд ал-Фаттоҳ Муҳаммад таҳрири остида: 2 жилдда. Қоҳира: “Ал-Маҳалл ал-ало ли аш-шуун ал-исламийя”, 1989.
8. Фатовои Қозихон Ўз ФА ШИ № 11228. IV ж.
9. Хайруддин аз-Зириклий. Ал-Аълам. Қомус тарожим ли-ашхури-р-рижол ва-н-нисо мин ал-араб ва-л-мустаърибин ва-л-мустаъриқин. Қоҳира: “Дору-л-илм ли-л-малойин”, 1998. II ж.
10. Қураший Абу Муҳаммад Абд ал-Қодир ибн Абу ал-Вафо Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Мисрий. Ал-Жавоҳир ал-музййа фи табақот ал-ҳанафийя. 5 жилдда, Абдулфаттоҳ Муҳаммад ал-Хулв таҳрири остида. Қоҳира: 1993. II жилд.
11. Ҳожӣ Халифа. Кашф аз-зунун. II ж. - Б. 323 // <http://www.almeshkat.com/books>.